

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Урганч шахар

«23» Сентябрь 2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Республика шошилинч тиббий ердам илмий маркази Хоразм филиали номидан **Устав** асосида иш кўрувчи директор Д.Сапаев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "XORAZM IRDIMZON QURUVCHI" X.К номидан **Устав** асосида харакат қилувчи корхона раҳбари **Ж.Рўзметов** иккинчи томондан Хоразм вилояти Урганч шаҳрида жойлашган РШТЁИМ Хоразм филиали биносини жорий таъмирлаш обьекти бўйича қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади;

**-ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**-қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**-вақтингчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чиқиши** – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Хоразм вилояти Урганч шаҳрида жойлашган РШТЁИМ Хоразм филиали биносини жорий таъмирлаш обьектида кузда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда қўшилган қиймат солиги билан бирга **211 183 186 (Икки юз ўн бир миллион бир юз саксон уч минг бир юз саксон олти )** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- обьектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
  - курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
  - курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
  - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
  - курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;
  - курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
  - мазкур шартнома бўйича объекти фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
  - курилиш майдони кўриклини таъминлаш;
  - курилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қиласди.
  - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га teng бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ хажмда тақдим қиласди.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулиқ мулкий жавоб беради.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажараади

15. Объектни «30» «Октябрь» 2022 йил фойдаланишга топширилиши белгиланади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР**

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% микдорида аванс ўтказади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари хисобидан беш банк қунида молиялаштирилади ва колган 70 % микдоридаги тўлов ишларни бажариш жадвали хамда Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблағлар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга хак тўлаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузуб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

## IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

30. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

31. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини мухокама қиласидар.

32. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## XI. КАФОЛАТЛАР.

33. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртчининг икки томонлами далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш хуқуқига эга.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

34. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмиrlаш бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

35. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

36. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

37. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

38. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

39. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIII . ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тутрисида» ги конунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 395 сонли қарори

Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида» ги конунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган заарларни қоплади.

41. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлади;
- буюртмачининг хисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг хисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлади;
- шартномага муофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асосиз равишда кабул килиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тулайди;
- шартнома шартларига муофиқ тайёр ҳолда кабул килиш учун тақдим килинган объектни асосиз равишда кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлади.
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажарип тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисбот ойининг охирги кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлади;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлади;
- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 5% миқдорида жарима тўлади;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф килмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлади.

43. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбордor тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлади.

44. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбордor тамон иккинчи тамонга барча заарларни қоплади, амалдаги қонуларда белгиланган тартибда.

45. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўладиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 30% ошмаслиги керак.

46. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга хақлиdir.

#### XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

47. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгаришида шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

#### XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

48. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли иш хужжатларини ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

49. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

50. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

51. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

52. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечикитиришга ҳақлидир.

53. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун хужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

54. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари қўлланилади.

55. Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кузда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал қиласди.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Мазкур шартнома «31» «декабрь» 2022 йилгача амал қиласди.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Республика шошилинч тиббий ердам илмий маркази Хоразм филиали	"XORAZM IRDIMZON QURUVCHI" X.К
	Манзили: Урганч ш Фалаба кўчаси 7/19 Тел/факс: 97-526-55-05 Х/р: 20208000200925031001 СТИР: 305773640 ОКЕД:41201 Банк: АТБ Қишлоқ қурулиш банк Хоразм минтақавий филиали. МФО: 01037

Директор

М.У.



Д. Сапаев

Директор

М.У.



Ж.Рўзметов



юридик хизмати:  
У. Жаҳонгаров

Жорий таъмирлаш ишларини бажариш графити

сўмда

Бажариладиган ишлар	Бажариладиган ойларни										
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Жорий таъмирлаш									211 183 186,00		

"Хоразм ирдимзон курулиш" Х.К

Рахбари:

Ж. Рўзметов



"Хоразм ирдимзон курулиш" ишларни бажариладиган ойларни

Рахбар:


Д.Сапаев



шартномага 1-илова

Объектни жорий таъмирлаш бўйича молиялантириш графиги

Молиялантириш шарти	Молиялантириш ойлари										сўмда
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
Олдиндан тулов 30%									63 354 955		
Бажарилган ишларга асосан 70%									147 828 231		




"Хоразм ирдимзон куруллиш" Х.К



Рахбари:



**"Тасдиклайман"**  
**Республика Шошилинч Тибий Ёрдам**  
**Илмий Маркази Хоразм филиали.**  
**Директори ТФД**   
**Д.А.Сапаев.**  
**2022 йил**

**РШТЁИМ Хоразм филиали Қабул диагностика булимида**  
**жорий таъмирлаш бўйича**  
**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

<b>№</b>	<b>Асосий маълумотлар</b>	<b>Иштирокчилар учун маълумотнома</b>
1	Маҳсулот ёки хизмат номи	РШТЁИМ Хоразм филиалининг Қабул диагностика булимида жорий таъмирлаш .
2	Буюртмачи	РШТЁИМ Хоразм филиали.
3	Буюртма учун асос	Қабул диагностика бўлимида кутиш хонаси курулиши.
4	Маҳсулот ёки хизмат етказиб бериладиган манзил	Урганч шахар К Атаниязов кўчаси 1 уй
5	Катнашувчилар учун талаблар	Танлов хужжатларида қўрсатилган хизматларни сифатли ва қисқа муддатларда бажариш.
6	Хужжатлар тақдим килиниши	Etender.uzex.uz ягона электрон савдо порталининг энг яхши таклифлар булимига электрон хужжатлар жойлаштириш
7	Тижорат тақлифи тақдим этиш	<p>Бажарувчи низоми ва руйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, солиқдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотномаларни тақдим қилиши, инженер ва техник ходимлар мавжудлиги, корхона ишчи ходимларининг руйхати ва mhnat.uz сайти оркали олинган маълумотнома, охирги 3 йил давомида соғлиқни сақлаш тизими обьектларида курилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширганигини тасдиқловчи хужжатлар ва буюртмачининг телефон ракамлари билан (баҳолаш жараёнида маълумот олиш учун керак булади), корхонанинг айланма маблаглари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси.</p> <p>Курилиш ташкилотининг курилиш соҳасидаги рейтинги тугрисида маълумот, танловда Буюртмачи томонидан суралган барча маълумотлар ва куйилган талабларга бажарувчи томонидан маълумотлар тулик тақдим килиниши ва талаблар тулик бажарилишини ва ишни тулик бажара оладиган муддатини тасдиқлаш тугрисида кафолат хати. Бажарувчи Буюртмачига оферта ва хужжатларни электрон хамда офертани ёзма равишда тақдим қилиши ва обьектни куздан кечириб, урганиб чикканлиги тугрисида далолатнома тақдим қилиши талаб килинади.</p>
8	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Бажарилган ишлар бўйича ҳисоб-китоблар тузилган смета лойиха хужжатларига ва далолатномага мос равишда амалга оширилади.
9	Иш ёки хизмат тури	Капитал таъмирлаш хизмати
10	Ишни бажариш муддати	Бажарувчи шартнома имзоланиб, олдиндан 30% (аванс) тўлов ўтказилгандан кундан 30 (иш куни) кун ичида бажарилишини таъминлаши зарур.
11	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишлари шарт
12	Молиялаштириш манбаси	Жамғарма хисобидан
13	Манзил	Урганч шахар К Атаниязов кўчаси 1 уй.

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 149968 на приобретение Услуга по текущему ремонту нежилых зданий**

Способ проведения электронный

Дата 20.09.2022

Время рассмотрения 20.09.2022 20:57

Закупочная комиссия Республика шошилинч тиббий ердам илмий маркази Хоразм филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SAPAYEV DILSHAD AMINOVICH	Director comissiya raisi	RSHTYOIM Hor fil shifoathonasi.
<b>Секретарь комиссии</b>	YUSUPOVA BARNO JUMABOYEVNA	Umumiyl va iqtisodiy masalalar bo'yicha o'rninbosari tanlov comissiyasi kotibi	RSHTYOIM Hor fil shifoathonasi.
<b>Член комиссии</b>	KALANDAROVA FARIDA AXMEDOVNA	Yurist consult yordamchisi. tanlov comissiya azosi.	RSHTYOIM Hor fil shifoathonasi.
<b>Член комиссии</b>	ISKANDAROV UMIDBEK BAXTIYAROVICH	Bosh hisobchi. tanlov comissiyasi azosi.	RSHTYOIM Hor fil shifoathonasi.
<b>Член комиссии</b>	Izyumova Gulbahor Allamovna	Shoshilinch nevralogia bo'lim shifokori,(parhez-shifokori),tanlov comissiyasi azosi.	RSHTYOIM Hor fil shifoathonasi.
<b>Член комиссии</b>	Niyazmetova Yarkinoy Otanazarovna	Shoshilinch pediatriya bo'lim mudiri,kasaba uyushma comitasi raisi,tanlov comissiyasi azosi.	RSHTYOIM Hor fil shifoathonasi.

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.09.2022 года № лота 149968.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	РШТЁИМ Хоразм филиалининг Кабул диагностика булимида жорий таъмирилаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	213 316 350.00
Стартовая сумма	213 316 350.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Бажарувчининг фаолиятига камида 3 йил

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарувчининг фаолиятига камида 3 йил

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К</b>	15	15	15	Экспертная		
<b>KOMFORT SUV GAZ QURILISH MCHJ</b>	15	Бажарувчининг фаолиятига камида 3 йил	15	Экспертная		
<b>ООО MEGA QIZILQUM</b>	15	15	15	Экспертная		
<b>ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI</b>	15	мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №2 Охирги 3 йиллик хисоботлар ва молиявий натижалар PDF файлда юклатилиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 3 йиллик хисоботлар ва молиявий натижалар PDF файлда юклатилиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К</b>	15	15	15	Экспертная		
<b>KOMFORT SUV GAZ QURILISH MCHJ</b>	15	Охирги 3 йиллик хисоботлар ва молиявий натижалар	15	Экспертная		
<b>ООО MEGA QIZILQUM</b>	15	15	15	Экспертная		
<b>ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI</b>	15	мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №3 Буюртмачи томонидан куйилган барча талаблар тулик бажарилишига, айнан суралган хужжатлар тақдим килинишига кафолат хати ва объектни куздан кечирганилигини тугрисида далолатнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Буюртмачи томонидан куйилган барча талаблар тулик бажарилишига, айнан суралган хужжатлар тақдим килинишига кафолат хати ва объектни куздан кечирганилигини тугрисида далолатнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К</b>	15	15	10	Экспертная		
<b>KOMFORT SUV GAZ QURILISH MCHJ</b>	15	объектни куздан кечирганилигини тугрисида далолатнома	1	Экспертная		
<b>ООО MEGA QIZILQUM</b>	15	15	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI	15	мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №4 Бажарувчи балансидаги техникалар руйхати булиши керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарувчи балансидаги техникалар руйхати булиши керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	15	15	15	Экспертная		
KOMFORT SUV GAZ QURILISH MCHJ	15	Бажарувчи балансидаги техникалар руйхати булиши керак	15	Экспертная		
ООО MEGA QIZILQUM	15	15	15	Экспертная		
ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI	15	мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №5 Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	15	15	12	Экспертная		
KOMFORT SUV GAZ QURILISH MCHJ	15	Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги	8	Экспертная		
ООО MEGA QIZILQUM	15	15	15	Экспертная		
ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI	15	карздорлик мавжуд эмас	15	Экспертная		

Критерий №6 Бажарувчининг ишчилари камидаги 20 нафар булиши керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарувчининг ишчилари камида 20 нафар булиши керак

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	15	15	15	Экспертная		
KOMFORT SUV GAZ QURILISH MCHJ	15	Бажарувчининг ишчилари	12	Экспертная		
ООО MEGA QIZILQUM	15	15	15	Экспертная		
ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI	15	мавжуд	13	Экспертная		

#### КУРИЛИШ

Критерий №7 Охирги 1 йил ичида килган курилишлари ва таъмирлаш ишларини давлат стандартига жавоб берадиган даражада эканлиги тасдикловчи хужжат

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 1 йил ичида килган курилишлари ва таъмирлаш ишларини давлат стандартига жавоб берадиган даражада эканлиги тасдикловчи хужжат

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	15	15	15	Экспертная		
Оценка участника KOMFORT SUV GAZ QURILISH MCHJ	15	Охирги 1 йил ичида килган курилишлари ва таъмирлаш ишларини давлат стандартига жавоб берадиган даражада эканлиги тасдикловчи хужжат	10	Экспертная		
ХИВА ООО MEGA QIZILQUM	15	15	13	Экспертная		
ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI	15	мавжуд	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К	213 316 350.00	213 000 000.00 UZS	213 000 000.00	00.00	213 000 000.00	20.09.2022 11:03:48	0

<b>KOMFORT SUV GAZ QURILISH MCHJ</b>	213 316 350.00	192 000 000.00 UZS	192 000 000.00	00.00	192 000 000.00	20.09.2022 11:38:06	0
<b>ООО MEGA QIZILQUM</b>	213 316 350.00	208 000 000.00 UZS	208 000 000.00	00.00	208 000 000.00	20.09.2022 12:40:23	0
<b>ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI</b>	213 316 350.00	211 183 186.00 UZS	211 183 186.00	00.00	211 183 186.00	20.09.2022 13:19:20	0

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ХИВА ФАРРУХБЕК КУРИЛИШ И.Т.К.К</b>	92.381	0	92.381
<b>KOMFORT SUV GAZ QURILISH MCHJ</b>	72.381	0	72.381
<b>ООО MEGA QIZILQUM</b>	93.333	0	93.333
<b>ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI</b>	98.095	0	98.095

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 149968 от 20.09.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту нежилых зданий определила победителем:

**ЧП XORAZM IRDIMZON QURUVCHI**  
305773640

и резервный исполнитель: ООО MEGA QIZILQUM (301381713)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SAPAYEV DILSHAD AMINOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KALANDAROVA FARIDA AXMEDOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ISKANDAROV UMIDBEK BAXTIYAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Izyumova Gulbahor Allamovna	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Niyazmetova Yarkinoy Otanazarovna	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП